



## ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ТИЛГА ОИД СЎЗЛАРНИНГ ФОНОЛОГИК ТАҲЛИЛИ ТАҲЛИЛИ (АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)

Эгамова Шохида Джалиловна

*Низомий номидаги ТДПУ доценти, ф.ф.н.*

Суханбердиева Ситора Санжар қизи

*Низомий номидаги ТДПУ талабаси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Алишер Навоий асарлари тилида қўлланилган қадимги туркий тилга оид сўзларнинг фонетик, фонологик таҳлили ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** Алишер Навоий, қадимги туркий тил, туб туркий сўз, чуқур тил орқа, жарангли, жарангсиз, ўғуз, қипчоқ, суворий, анлаут, инлаут, ауслаут, қаттиқ, ўрта кенг, тор, ассимилятив таъсир.

Тилнинг структур бирликлари орасида фонетик тизим ўзининг ўзгарувчанлиги нуқтаи назаридан луғавий таркибдан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди. Бунинг боиси шундаки, "...тилнинг ички ривожланиш қонуниятлари, ташқи муҳит - қўшни тиллар, жамият ва фан-техниканинг ривожини, янги-янги сўзларнинг кириб келиши тилнинг фонетик қурилишига тез таъсир қилади"<sup>7</sup>.

Мозийда битилган манбалар матнини кўздан кечириш бир ярим минг йиллик ўзбек адабий тили тараққиёт босқичида бундай ҳодисаларга ўта бой бўлганлигидан шаҳодат беради.

Эътироф этилганидек, тилдаги турфа ўзгаришлар қисқа вақт орасида содир бўлмай, балки секин-асталик билан узоқ муддат давомида юзага келади. Илк бор яккам-дуккам учрайдиган ҳодисалар, фонетик шакллар (кўринишлар), уларнинг ёнма-ён ишлатилиши кейинчалик қонуният тусини олади. Шу сабабли "...ҳар бир даврдаги тил шу тилда сўзлашувчилар учун ўзгармасдай, барқарордай туюлади. Ваҳоланки, тилда тараққиёт ва ўзгариш жараёни ҳеч қачон тўхтамайди"<sup>8</sup>.

Алишер Навоий назми ҳамда насрида қўлланишда бўлган тахминан 1400 атрофидаги асл туркий лексемаларнинг структур шаклини қадимги туркий тилдаги ҳолати билан қиёслаш уларнинг асосан тўрт гуруҳга тақсимланишини кўрсатади. Биринчи гуруҳга ҳам қадимги туркий тил, ҳам Навоий тилида структур жиҳатдан мувофиқ келувчи лексик бирликлар киритилади. Қолган гуруҳларга сўз боши (анлаут), сўз ўртаси (инлаут ва интервокаль), сўз охири (ауслаут)да эволюцион тараққиёт натижасида содир бўлган структур ўзгаришларга учраган сўзлар тааллуқлидир.

<sup>7</sup> Нейматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. –Б.5.

<sup>8</sup> Кўрсатилган асар. Ўша бет.



Сўз бошидаги э ва и алмашинуви<sup>9</sup>. Ўрта кенг, олд қатор, лабланмаган э фонемаси<sup>10</sup> сўз бошида келган эски туркий тил лексик бирликларининг маълум қисми эски ўзбек тилида анлаутда тор, олд қатор, лабланмаган и билан алмашинган. Ҳ. Неъматов товуш алмашинувининг мунтазам товуш алмашинуви ва жузъий (қатъий қонуниятга бўйсунмаган) товуш алмашинуви каби икки хили мавжуд бўлганлигини уқтириб, ўзак ва қўшимчаларда кенг ва тор унлиларнинг жузъий алмашинуви ҳодисаси энг қадимги шеваларнинг ўзаро алмашуви натижасида рўй берганлигини таъкидлаган эди<sup>11</sup>. Навоий тилида эски туркий тилдаги э нинг и га алмашинуви жузъий алмашинув бўлиб, у қуйидаги лексик бирликларда кўзга ташланади: “*сунинг айланиб оқадиган жойи, гирдоб*” семемасини ифодаловчи *эгрим* лексемаси илк марта ДЛТ да қайд этилган (II, 132). Лексеманинг *эгрим* // *игрим* вариантларда қўлланиши Хоразм ёдномалари тилида кўзга ташланади (СУЯ, I, 135). Навоий асарлари матнида нисбатан тез-тез қўлланувчи лексема *игрим* шаклидагина учрайди:

*Чун қуйунны дашт арá айландуруб,  
 Сув игримми дагы толгандуруб* (ЛТ, 4-6).

Толи Имоний Ҳиравий “Бадоеъул-луғат”да сўзни чўзиқ и унлили бил каср белгили лексемалар сирасига киритади ва уни *игирим* тарзида талаффуз этиш лозимлигини таъкидлайди<sup>12</sup>.

“*Қўпол, дагал, қўрс*” белги-хусусияти маъносидаги *эриг* лексик бирлиги “Қутадғу билиг” да фаол қўлланган (ДТС, 177). Манбалар матнига назар ташлаш сўз бошидаги э нинг “Ат-туҳфа” (7 а II) ҳамда XIV аср Хоразм манбаларида (СУЯ, I, 425) и га алмашинувини намоён этади. Мана шу алмашинувга учраган сўз *ирик* ҳолатида Навоий асарларида ишлатилган: ... “*ирик сўзлар айта бошладылар*” (ТАҲ, XV-232). Айни шундай товуш алмашинуви “*қўполлик, дагаллик*” маъносидаги *эриглик* лексемаси анлаутида ҳам юз бериб, у Навоий асарларида *ириклик* шаклида истеъмолда бўлган (АНАТИЛ, II, 46).

Туркологик тадқиқотлар XIII-XIV асрга доир обидалар тилида жарангсиз қ ундоши баъзан туб туркий сўзларнинг сўз боши вазиятида (сўз ўртаси ва сўз охирида ҳам ) муайян фонетик шароитда чуқур тил орқа спирант х га ўтганлигини таъкидлайди<sup>13</sup>. Лекин ушбу ҳодисанинг анча барвақт бошланганлигини VII-X аср қадимги туркий тил ва XI-XII илк эски туркий тил манбалари лексик материалларини таққослаш тасдиқлайди. Жумладан, қадимги туркий тил битикларида истеъмолда бўлган *қаган* “*олий ҳукмдор*”, *қан* “*ҳукмдор*” қатун “*малика, қиролича*”, *қайу* “*қайси*”,

<sup>9</sup> Туркий тилларда қадимдан яққол намоён бўлган белги, яъни ўзақлардаги тор ва кенг, тил олди ва тил орқа унлилар алмашинуви илк бор В.В.Радлов томонидан атрофлича таҳлил этилган эди. Қаранг: Radloff W/ *Phonetik der nordischen Türk Sprachen*. –Zeipzig. 1882-1883. –Б.84-91.

<sup>10</sup> Қаранг: Маҳмудов Қ. XIII-XIV аср ёзма обидалар тилининг фонетик системаси. –Тошкент: Фан, 1990. –Б.49-53; Неъматов Х. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. –Б.19-20.

<sup>11</sup> Қаранг: Неъматов Х. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. –Б.70-74.

<sup>12</sup> Умаров Э. Гласные староузбекского языка XV века и новая транслитерация “Бада: и ал-луғат”. –Ташкент, 2004. –Б.14.

<sup>13</sup> Маҳмудов Қ. XIII-XIV аср ёзма обидалар тилининг фонетик системаси. –Тошкент: Фан, 1990. –Б.139-140.



қалық “кўк, фалак” сингари сўзлар ДЛТ, “Қутадғу билиг” ва “Ҳибатул-ҳақойиқ”да “хақан, хан, хатун, хайу, халық” шаклида қўлланган. Мана шу кейинги фонетик шаклда *хақан, хан, хатун* лексемалари “Ат-туҳфа”, “Хусрав ва Ширин”, “Наҳжул-фародис” сингари XV аср манбаларида келтирилади. Айни чоғда “Таржумон”да *қатун* (32-16) шаклининг ҳануз истеъмолда қолишини кўрамиз. Алишер Навоий даври эски ўзбек адабий тили ёдгорликларида юқорида жарангсиз **қ** ундоши билан бошланган сўзларнинг аксарияти (*қайу* бундан мустасно) спирант **х** га тўла-тўқис ўтган тарзда гавдаланади:

*Алам элидә Хусрав=у хақан лақабин,*  
*Адамга дэгинчә хан ибн хан насабин* (Муншаот, XIII, 117).

**Сўз бошидаги б нинг м га ўтиши.** Ушбу ҳодиса туркий сўзларнинг барча ҳолатларида учрайди ва у қадимги туркий рун битикларидаги қуйидаги сўзларда мавжуд эди: *бэн-мэн* “мен”, *бин= -мин=* “минмоқ, ўтирмоқ”, *биң-миң* “минг”, *бэңү-мэңү* “мангу”, *бэңү-мэңү* “ёдгорлик”<sup>14</sup>. XI-XII асрга тааллуқли ёзма манбаларда ҳам **б>м** ҳодисаси бор<sup>15</sup>. Шу ўринда XI-XIII асрда **б** билан **м** нинг мос тушиши мавжудлиги борасида мулоҳаза билдириб, уни Маҳмуд Кошғарийнинг қуйидаги таъкиди билан асослаш керакка ўхшайди:

“Сўз бошидаги ҳарфини ўғузлар, қипчоқ ва суворийлар га айлантирадилар. Масалан, турклар *мэн бардум* десалар, улар *бэн бардум* дейдилар. Турклар шўрвани *мўн* десалар, улар *бўн* дейдилар (ДЛТ, II, 67). Навоий асарларида XI-XII аср илк эски туркий тил обидаларида қўлланган *бунча//мунча* “*мунча, шунча*”, *бэн//мэн* “мен” каби лексик вариантлар, *буз* “муз”, *бузлуқ* “музлик” сингари сўзларда жарангли ундошнинг сонорга ўтган тарзда қўлланиши қонунийлашади: *Сувның мазаси муз билә, ашның мазаси туз билә* (МК, XIII, 79). Тарихий фонетикада анлаутда **м** нинг пайдо бўлиши тубандагича изоҳланади: “Сўз бошида **м** нинг қадимги туркий **п** товушининг жаранглашиши (**б** га ўтиши), **б** нинг сўз бошида **м** га ўтиши натижасида пайдо бўлган”<sup>16</sup>. Демак, сўз бошида **м** нинг пайдо бўлишини мана бундай тасвирлаш мумкин **п>б>м**. Академик А.Н.Кононов анлаутда **м** нинг этимологик **б** нинг ўрнида юзага келишини сўз охиридаги бурун товуши **н** нинг ассимилятив таъсирида кўради: *мэн<бэн* “мен”, *маңа<баңа* “менга”, *миң<мың<бың<бың* “минг”, *мэңү<бэңү* “мангу” ва ҳ.к.<sup>17</sup>. Ҳозирги ўзбек шеваларида ҳам **б** нинг **м** га ўтиши кузатилади: *буңа//муңа, бурилиш//муйилиш* ва бошқа<sup>18</sup>.

Мулоҳазани ниҳоялашдан олдин “*ях, муз*” маъносини ифодаловчи лексеманинг XIV аср Хоразм манбалари (СУЯ, I, 271), “Ат-туҳфа” (10б 9), “Таржумон” (5-10) тилида фақат жарангли **б** билан бошланган шаклининг қўлланганини эътироф этиш жоизга

<sup>14</sup> Қаранг: Кононов А.Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников. -М.-Л.: АН СССР, 1960. -Б.73.  
<sup>15</sup> Маҳмудов Қ. XIII-XIV аср ёзма обидалар тилининг фонетик системаси. -Тошкент: Фан, 1990.-Б.154.  
<sup>16</sup> Неъматов Х. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1992. -Б.66.  
<sup>17</sup> Қаранг: Кононов А.Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников. -М.-Л.: АН СССР, 1960. - Б.-64.  
<sup>18</sup> Маҳмудов Қ. XIII-XIV аср ёзма обидалар тилининг фонетик системаси. -Тошкент: Фан, 1990.-Б.154-155.



ўхшайди. Сўзнинг айна мана шу шаклда қўлланиши “Қисаси Рабғузий”<sup>19</sup> даги куйидаги байтда ҳам ўз аксини топган:

*Кўн ҳамалга кирди эрсә кәлди алам наврўзы,  
 Кәчди баҳман замҳарир қыш қалмады қары бузы (1, 103).*

Хуллас, ўғуз гуруҳ тилларида сўз бошидаги **б** га кичик гуруҳ тилларида анлаутдаги **м** товуши мос келади. Қарлуқ тиллари, хусусан, эски ўзбек адабий тилида ҳам **м** сўз бошида келувчи сўзлар анчагина қўлланган.

**Инлаутдаги структур-фонетик номувофикликлар.** Қадимги туркий тил битиклари, эски туркий тил ёзма обидаларида қўлланишда бўлган сўзлар Навоий асарлари тилида муайян ўзгаришларга учраган. Маълум гуруҳ сўзларнинг маълум позицияларида юзага чиққан ўзгаришлар қадимги туркий тил билан эски ўзбек адабий тили орасида номувофик томонларни ҳосил қилган. Бундай фонетик ўзгаришлар, хусусан, инлаутда ҳам воқеланган. Фонетик фарқлар ҳам унлилар, ҳам ундошлар тизимида мавжуд бўлган.

**Инлаутдаги о/ё билан у/ў алмашинуви.** Ушбу ҳодиса эски туркий тилнинг илк давридаёқ рўй берган бўлиб, *қотрул=қутрул= “қуйилмоқ, бўшатилмоқ”* (ДТС, 461), *қоругсаққуругсақ “меъда; қорин”* (ДТС, 470), *қотур=қутур= “меъёрдан чиқмоқ, ҳаддан ошмоқ; қутирмоқ”* (ДТС, 474) сингари лексемаларда кузатилади.

Қадимги туркий тилда қаттиқ, ўрта кенг унли **о** фонемали баъзи сўзлар эски ўзбек тилида қаттиқ, тор унли **у** шаклига ўтган ҳолда ишлатилади. Масалан, *топрақ “ер, тупроқ, чанг, тўзон”* маъноси билан биринчи бор уйғур ёзувида битилган табобатга оид битик ҳамда “Қутадғу билиг” ва “Девону луғатит турк” да қайд этилади (ДТС, 575). Мазкур фонетик шакл “Қисаси Рабғузий” (1, 16) да ҳам сақланган. “Ат-туҳфа” (8 а 9), “Таржумон” (5-15), XIV аср Хоразм манбаларида (СУЯ, II, 379) *тобрақ* (яъни **п > б**) шакли қўлланган. Алишер Навоий ҳам назмий, ҳам насрий асарларида **о** нинг **у** га, жарангли **б** нинг эса жарангсиз, сирғалувчи **ф** га ўтиши содир бўлади: *чарх=и завил иқтидәр туфрақ ажзасыны қуйашдын откәрибдур* (НЖ, 29). Мазкур алмашинув куйидаги сўзларда ҳам рўй берган.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, тузилиши жиҳатдан Навоий тилида муайян ўзгаришларга учраган қадимги туркий тилга оид сўзларни ўзгариш ўрни (позицияси) га кўра:

- а) анлаутдаги товуш ўзгариши;
- б) инлаутдаги товуш ўзгариши;
- в) ауслаутдаги товуш ўзгаришини бошидан ўтказган лексик birlikларга ажратиш мумкин бўлади.

3) нутқ жараёнида товушларнинг бир-бирига таъсири ва сўзда тутган ўрнига кўра юзага чиқувчи комбинатор ва позицион ўзгаришларнинг ўрганилаётган катта давр учун ҳам бегона эмаслиги аёнлашади. **ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР**

<sup>19</sup> Носируддин Бурхониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. -Тошкент, 1990. -26 б.



АНАТИЛ - Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Т.I-IV. -Тошкент, 1983-1985.

ДЛТ - Девону луғотит турк. Том. I-III. Нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. -Тошкент, 1960-1963.

ДТС - Древнетюркский словарь. -Л., 1969. -676 б.

Муншаот - Алишер Навоий. Муншаот. Ўн учинчи том. -Тошкент, 1966.

МҚ - Алишер Навоий. Маҳбубул-қулуб. Ўн учинчи том. -Тошкент, 1966.

НЖ - Назмул-жавоҳир. Алишер Навоий. Назмул-жавоҳир. Ўн бешинчи том. - Тошкент, 1967.

НФ - Нахджул-фарадис // Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIУ века. Том .I-II. -Ташкент, 1966, 1971.

СУЯ - Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. Том. I.II. -Ташкент, 1966, 1971.

"Қисаси Рабғузий" - Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. -Тошкент, 1990.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахмонов Н. Қадимги туркий тил. -Тошкент: Ўқитувчи, 1982. -157 б.
2. Абдурахмонов Ғ., Шуқуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1973. -316 б.
3. Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. Ўн тўртинчи том. - Тошкент, 1967. -272 б.
4. Дадабаев Х., Насыров И, Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. -Ташкент: Фан, 1990. -213 б.
5. Дадабоев Ҳ. Тилшунослик назарияси методологияси. -Тошкент: Фан, 2004. - Б.50-52.
6. Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси.-Тошкент: Фан, 1979. -75 б.
8. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. - М.-Л.: АН СССР, 1960. -446 б.
9. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. /Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. Том. I-III. -Тошкент, 1960-1963.  
Т.I. -1960. -499б.  
Т.II. -1961. -427б.  
Т.III. -1963. -466 б.
10. Маҳмудов Қ. XIII-XIV аср ёзма обидалар тилининг фонетик системаси. - Тошкент: Фан, 1990. -216 б.
12. Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1992. - 92 б.



13. Умаров Э. Гласные староузбекского языка XV века и новая транслитерация "Бада: и ал-луғат". –Ташкент, 2004 .-Б.14.
14. Radloff W. Phonetik der nordlichen Türksprachen. -Zeipzig. 1882-1883.
15. A'zamxonov S.X Ta'lim jarayonida o'qituvchi faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali <https://bestpublication.org/index.php/ozf/article/view/1313>
16. A'zamxonov S.X Inson kapitali bilan bog'liq tushunchalarning nazariy tahlili 247-254 -b <https://interonconf.org/index.php/den/article/view/2533>